

Ҳокимлик ходимлари ўртасида Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан тарғибот тадбири бўлиб ўтди



Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан жойларда кенг кўламли тарғибот тадбирлари бўлиб ўтмоқда ва аҳолининг барча қатламларига, шунингдек давлат хизматчиларига ҳам қонун лойиҳаси бўйича тушунтиришлар бериб келинмоқда.

Бугун туман ҳокимлиги ходимлари, ҳоким ёрдамчилари, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ҳамда бошқа ташкилотлар масъуллари учун Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, кенгаш котибияти мудири Акмал Авлияқулов томонидан Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан тарғибот ўтказилиб, қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти тушунтирилди.